

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЖАНИБЕКОВ АБДУЛЬАЗИЗ АДИЛХАНОВИЧ

***SILENE* ТУРКУМИГА МАНСУБ ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона- 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жанибеков Абдульазиз Адилханович

Silene туркумига мансуб ўсимликларини кимёвий тадқиқ қилиш..... 3

Жанибеков Абдульазиз Адилханович

Химическое исследование растений рода *Silene*..... 21

Janibekov Abdulaziz Adilhanovich

Chemical study of plants of the genus *Silene*..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЖАНИБЕКОВ АБДУЛЬАЗИЗ АДИЛХАНОВИЧ

***SILENE* ТУРКУМИГА МАНСУБ ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона- 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4. PhD/K132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамадалиева Нилуфар Зокиржоновна кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Арипова Салимахон Фозиловна кимё фанлари доктори, профессор Маулянов Салихжан Алимжанович кимё фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91, e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91, e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

В.У. Хўжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

М. Нишонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доцент

И.А. Абдуғафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда дунёда инсон саломатлигига хавф солаётган касаллик турларининг ортиб бориши табиий ўсимлик хом ашёлари асосида олинадиган доривор препаратларга бўлган эҳтиёжнинг йилдан-йилга кенгайишига олиб келмоқда. Бу ўринда, саратон, гепатит, радиация нурланишлари ва турли юқумли бактериал касалликлари туфайли келиб чиқадиган инсон иммун тизимининг пасайишини бартараф этувчи безарар табиий препаратларнинг озлиги ёки етишмаслиги маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида янги модификацияланган препаратларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, иммун тизимини рағбатлантирувчи маҳаллий ўсимлик хом ашё манбаларини аниқлаш, кимёвий таркибини асослаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда замонавий фармацевтика саноати инсон иммун тизимининг кучсизланиши асосида келиб чиқадиган касалликларни янги биологик фаол бирикмаларга эга ва ўсимлик хом ашёлари асосида яратилган препаратлар ёрдамида даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда, терпеноидлар, витаминлар, туйинмаган ёғ кислоталари ва экдистероидлар асосида иммун тизими фаолиятини рағбатлантирувчи комплекс препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, таркибида 130 дан ортиқ экдистероидлар ва уларнинг ҳосилаларини сақлаши жиҳатидан *Silene* туркуми вакиллари муҳим ҳисобланиб, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда улар таркибидаги янги экдистероид моддалари ҳамда уларнинг микдорини аниқлаш, турли иммун тизими касалликларини даволашдаги ўрнини баҳолаш ва фармацевтика ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда республикамызда маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари таркибидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва импорт ўрнини босувчи табиий дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Экдистероидлар асосида «Экдистен», «Аюстан» дори препаратлари ва «Жистенин», «Эксумид» каби биологик фаол қўшимчалар яратилди ва ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида ¹ «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, *Silene* туркумига мансуб ўсимликлар кимёвий таркибини ва янги кимёвий тузилишларга эга экдистероид ҳосилаларини асослаш, биологик фаолликларини аниқлаш ҳамда фармацевтика ишлаб чиқаришига жорий этиш муҳим назарий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

5032-сон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Silene* туркумига мансуб ўсимликларнинг экдистероидлари кимёвий тузилишини тадқиқ қилиш, фармакологик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида янги самарали доривор воситаларни яратиш бўйича хорижий етакчи олимлар R. Lafont, L. Dinan, Y. Fujimoto, J. Harmatha, F. Marion-Poll, I.D. Wilson, T.W. Goodwin, D.H.S. Horn, P. Karlson, G.B. Russel, E.J. Middleton, M.N. Galbraith, M.P. Calcagno, F. Camps, J. Coll, M. Bathori, Ю.Д. Холодова, Л.Н. Зибарева, В.В. Володин ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган. Ўсимлик моддалари кимёси институти ва бошқа илмий текшириш институтларида ҳам шу йўналишда изланишлар олиб борилган.

Республикамізда мазкур йўналиш ривожига Н.К. Абубакиров, М.Б. Горовиц, И.Л. Занцы, Б.З. Усманов, З. Саатов, У. Балтаев, В.Н. Сыров, Н.Ш. Рамазанов, И.Д. Бобаев, Н.З. Мамадалиева ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Улар томонидан *Silene* туркумига оид ўсимликлардан кўплаб янги ва маълум экдистероидлар ажратилиб, олинган моддалар тузилиши илмий жиҳатдан исботланган ва фармакологик фаолликлари аниқланган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, *Silene* ўсимлик турларини кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини ўрганиш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу кунга қадар ўрганилган *Silene* ўсимликларидан экдистероидларни ажратиб олинганлиги ва ушбу туркумга кирувчи ўсимликлар захирасининг етарли эканлиги, бу соҳада бажарилиши лозим бўлган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, янги ва самарали биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланганлиги учун ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А11-Т206 «*Stachys* ва *Silene* туркум ўсимликлари асосида маҳаллий регенерацияловчи ва иммуномодуллашчи

фаолликка эга препарат яратиш» (2012-2014), А-10-123 «*Silene* туркуми ўсимликлари фитоэкдистероидлари йиғмаси асосида янги самарали афродизиак хусусиятига эга дори восита яратиш» (2006-2008), ФА-ФЗ-Т-044 «Махаллий флора ўсимлик ва микроорганизмлари изопреноидлари: тузилиши, кимёвий трансформация, биологик фаоллиги» (2008-2012) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Silene* туркумига мансуб *S. guntensis*, *S. viridiflora*, *S. wallichiana* турларининг кимёвий таркибини ҳамда биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Silene туркумига мансуб ўсимликларнинг экстрактларини олиш ва фракцияларга ажратиш;

ўсимликлар таркибидан индивидуал бирикмаларни ажратиш;

физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида кимёвий бирикмаларнинг тузилишини исботлаш;

ажратиб олинган компонентларининг биологик фаолликларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти *Silene* туркумининг *S. viridiflora*, *S. guntensis* ва *S. wallichiana* турлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *Silene guntensis*, *S. viridiflora*, *S. wallichiana* ўсимликларидан ажратиб олинган бирикмалар, уларнинг кимёвий тузилиши, микдорий таҳлили ҳамда биологик фаолликлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Экстракция усули, юпқа қатлам хроматография (ЮҚХ), колонкали (КХ) ва газ суюқлик хроматография (ГСХ), юқори самарали юпқа қатлам хроматография (ЮСЮҚХ), масс-спектрометрия, УБ, ИҚ, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия усулларидан фойдаланилди. Намуналарнинг антиоксидант, цитотоксик ва микробларга қарши фаолликлари *in vitro* шароитида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *S. viridiflora* ва *S. guntensis* турларидан 6 та экдистероидлар ажратиб олинган ва улардан 20,22-моноацетонид-25-ацетат-20-гидроксиэкдизон ҳамда 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон бирикмалар тузилишининг янги эканлиги исботланган;

илк бор *S. viridiflora* эфир мойининг таркибида 75 та бирикма идентификацияланган;

S. guntensis, *S. viridiflora* ва *S. wallichiana* ўсимликларидан ажратилган липидларнинг кимёвий таркиблари аниқланган;

S. guntensis ва *S. viridiflora* ларнинг экстрактлари антимикроб ва MCF-7 (кўкрак беи саратони) ҳужайраларига нисбатан цитотоксик фаолликлар намоён қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк маротаба юқори самарали юпқа қатлам хроматографияси ёрдамида *S. wallichiana* таркибидаги маркер бирикма 20-гидроксиэкдизонни микдорий таҳлил қилиш услуби ишлаб чиқилган;

S. viridiflora ўсимлигидан олинган эдистероидлар йиғмаси *in vivo*

шароитида сичқонларда текширилганда кучли иммуностимулловчи таъсирга эга дори воситаси сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ажратиб олинган моддаларни тадқиқ қилишда замонавий физик тадқиқот усулларида УВ, ИҚ, ^1H ЯМР, ^{13}C ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия, юпқа қатламли хроматографияси, сифат реакциялари ва гувоҳ моддалар билан таққослаш усулларида фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижалар адабиётдаги маълумотлар билан солиштирилиб таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *S. guntensis*, *S. viridiflora* ва *S. wallichiana* турларидан экдистероидлар, эфир мойлари ва липидларни ажратиб олинганлиги, уларни микдорий таҳлил қилинганлиги, янги экдистероидларнинг кимёвий хоссалари ҳамда тузилишларини асосланганлиги, биологик фаолликларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экдистероидлар сақловчи янги ўсимлик турларини кимёвий асослаш, экдистероидларни иммуностимулловчи фаолликка эга эканлиги аниқлаш, маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида иммунитетни фаоллаштирувчи самарали дори воситаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Silene* туркумига мансуб ўсимликларини кимёвий тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

S. viridiflora ва *S. guntensis* турларидан ажратиб олинган янги 20,22-моноацетонид-25-ацетат-20-гидроксиэкдизон (CAS 103654-39-3) ҳамда 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон бирикмалари (CAS 41484-68-8) Chemical Abstract Service (CAS) халқаро маълумотлар базасига киритилган (<https://www.cas.org/products/scifinder>). Натижада ўсимликлардан янги экдистероидлар ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилишини ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш имконини берган;

Silene туркуми ўсимликларининг метаболитлари ва уларнинг биологик фаолликлар бўйича олинган натижалар Италиянинг Тоскания Университетида экдистероид сақловчи ўсимлик бирикмалари ва экстрактларини *in vivo* шароитида организмларга таъсирини баҳолашда фойдаланилган (Тоскания Университети Италия, 2018 йил 30 июндаги маълумотномаси). Натижада *Silene* туркум ўсимликларидан цитотоксик, антиоксидант ва микробларга қарши фаолликларга эга янги компонентларни аниқлаш имконини берган;

ўсимликлардан ажратиб олинган экдистероидларнинг аниқланган физик-кимёвий катталиклари ва биологик фаолликларидан савияли 20 дан ортиқ хориждаги импакт фактори юқори илмий журналларда фойдаланилган *Natural Product Research*, 2015, 29(9), 791-794, ResearchGate, IF1.02; *Integrative Medicine Research*, 2015, (4), 123-131, ResearchGate, IF 0.61; *Diversity*, 2014, 6, 416-499, ResearchGate IF 1.99;

Polar Biology, 2012, 35, 1825-1836, ResearchGate, IF2.28 ва х). Натижада *Silene* туркуми ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари тўғрисида маълумотлар олиш ҳамда экдистероидларни янги усуллар ёрдамида миқдорий таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-тадқиқот иши нашр этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, 7 таси халқаро ва 2 таси Республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Silene* туркуми ўсимликларининг метаболитлари ва уларнинг миқдорий таҳлили» деб номланган биринчи бобида Caryophyllaceae (чинигулдошлар) оиласига мансуб *Silene* туркуми ўсимликларидан ажратиқ олинган 130 дан ортиқ турли хил экдистероидлар, ёғ кислоталари ва уларнинг ҳосилалари, эфир мойлари таркибидаги учувчан моддаларнинг тузилиши адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида тавсифлаб берилган. Биологик фаол бирикмаларни юқори самарадор суюқлик хроматография, юқори самарали юпка қатламли хроматография, q-ЯМР спектроскопия ёрдамида миқдорий таҳлил қилиш усуллари, шунингдек *Silene* туркуми ўсимликларининг биологик фаолликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ишнинг асосий мазмуни ва танланган объектлар қисқача изоҳланган.

Диссертациянинг «*Silene* туркум ўсимликлари кимёвий таркибининг таҳлили» деб номланган иккинчи бобида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинган. *Silene* туркуми ўсимликлар таркибидаги биологик фаол бирикмалар кимёвий тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлар давомида *Silene* туркум ўсимликларининг *S. viridiflora*, *S. guntensis* ва *S. wallichana* турларининг ер устки қисмидан экдистероидлар, ёғ кислоталари ва эфир мойи 1-расмдаги йуналишлар бўйича ажратилди.



1- расм. *Silene* туркуми ўсимликларининг ер устки қисмидан экдистероидларни ажратиб олиш чизмаси


Silene viridiflora ўсимлиги экдистероидлари

Ўсимлик таркибидан 3 та экдистероид – 20,22-моноацетонид-25-ацетат-20-гидроксиэкдизон (1), 2-дезоксиполиподин В 3-О-β-D-глюкозид (2), такистерон (3) лар индивидуал ҳолда ажратиб олинди. Бирикма 1 тузилиши жиҳатидан янги экдистероид эканлиги исботланиб, 2- ва 3- бирикмалар эса аввалдан маълум бўлган экдистероидлар эканлиги аниқланди (1- жадвал).

Silene viridiflora ўсимлигидан ажратилган экистероидлар

№	Бирикма номи	Брутто формуласи	Суюқ.хар. °С	CAS рақами	Унуми, %
1	20,22-Моноацетонид-25-ацетат 20-гидроксиэкдизон	$C_{32}H_{50}O_8$	-	103654-39-3	0.0013
2	2-Дезоксиполиподин В 3-О-β-D-глюкозид	$C_{33}H_{54}O_{12}$	-	109771-10-0	0.0033
3	Таксистерон	$C_{27}H_{44}O_6$	241-241.5	19536-24-4	0.00215

Бирикма **1** нинг юқори аниқликдаги масс спектрида $C_{32}H_{51}O_8$ молекуляр формулага $[M+H]^+$ ва m/z 563.35784) мос келувчи 563.35709 m/z ли псевдомолекуляр ионнинг мавжудлиги унинг молекуляр формуласи $C_{32}H_{50}O_8$ га мувофиқ келишини кўрсатади ва ушбу иондан битта сув молекуласининг чиқиб кетиши натижасида ҳосил бўлган 545.34671 m/z ли $[M+H-H_2O]^+$ ($C_{32}H_{49}O_7$ учун 545.34728 ҳисобланган) ионни кузатилиши билан тасдиқланди. Бирикма **1** нинг 1H ва ^{13}C ЯМР-спектрлари 20-гидроксиэкдизон билан солиштирганда (15-Н ва 16-Н учун тегишли кимёвий силжиш кўрсаткичлардан ташқари) стероид қисм учун тегишли сигналлари бир-биридан фарқланмайди, сигналлари орасидаги фарқ фақат молекуланинг ён занжирида кузатилган. Ацетил гуруҳидаги CH_3 гуруҳлари характерли тўртламчи ^{13}C (δ 176.7) атоми билан 1H - ^{13}C 2D НМВС таъсирлашиши орқали тасдиқланди. 1H ЯМР спектрида бирикма **1** нинг 8 та CH_3 -гуруҳларига тегишли синглет сигналларидан бирини δ 2.048 да қайд этилиши бу ацетил гуруҳига тегишли эканлигини кўрсатди. Қолган 2 та метил гуруҳлари δ 1.407 (^{13}C δ 28.5) ва 1.481 (^{13}C δ 30.8) протон сигналлари эса ацетонид гуруҳининг тўртламчи углероди учун хос бўлган δ 110.5 даги ^{13}C сигнали билан 1H , ^{13}C 2D НМВС таъсирлашиши орқали ацетонид гуруҳига тегишли метил гуруҳлари эканлиги аниқланди.



2-расм. 20,22-Моноацетонид-25-ацетат 20-гидроксиэкдизон (1), 2-дезоксиполиподин В 3-О-β-D-глюкозид (2) ва таксистерон (3)

Юқорида келтирилган масс-спектроскопия ва ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрлари маълумотларига асосланиб, бирикма **1** ни янги тузилишли экдистероид - 20,22-моноацетонид-25-ацетат 20-гидроксиэкдизон эканлиги исботланди (2-расм).

Silene viridiflora эфир мойининг таркиби

S. viridiflora ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган эфир мойи кимёвий таркиби GC-MS хроматографияси усули билан кутбли VF-Wax колонкаси ёрдамида таҳлил қилинди. Натижада 75 та органик бирикмалар индентификация қилинди, бу умумий қилиб олганда 82.18% ни ташкил қилди. Асосий мажор бирикмаларни метилпальмитат (8.05%), 3-гексен-1-ол (7.54%), 3-гексенилбензоат (3.86%), β -миренцен (3.80%), 1,1-диэтокси-2-фенилэтан (3.65%), гексагидрофарнизил ацетон (3.20%), 1,1-диметоксинонан (2.91%), линалоол (2.61%), 4-терпинеол (2.47%), п-цимен (2.41%), бензил спирт (1.72%), 1-гексанол (1.52%), метилмиристат (1.45%), α -камфоленал (1.31%) ва β -фарнезин (1.27%) лар ташкил этган.

Silene guntensis ўсимлиги экдистероидлари

Silene guntensis ўсимлигининг фитокимёвий таркиби ва биологик хусусиятлари илк бор ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида ўрганилаётган ўсимлик таркибидан 3 та бирикма ажратиб олинди (2- жадвал).

Бирикма **4** нинг тузилиши исботланганда янги экдистероид эканлиги аниқланди. Бирикма **5** ва **6** лар эса тузилиши аввалдан маълум бўлган экдистероидлар бўлиб, ушбу экдистероидлар *S. guntensis* ўсимлигидан илк бор ажратиб олинди (2-жадвал).

2- жадвал

Silene guntensis ўсимлигидан ажратилган экдистероидлар

№	Бирикма номи	Брутто Формулasi	Суюқ. хар. °C	CAS рақами	Унуми, %
4	2,3-Диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон	$\text{C}_{38}\text{H}_{52}\text{O}_{10}$	-	41484-68-8	0.002
5	2-Дезокси-20-гидроксиэкдизон	$\text{C}_{27}\text{H}_{44}\text{O}_6$	254-256	17942-08-4	0.038
6	20-Гидроксиэкдизон	$\text{C}_{27}\text{H}_{44}\text{O}_7$	241-242	5289-74-7	0.082


Бирикма **4** нинг DEPT маълумотлари кўра, молекулада 38 углерод атоми сигналларининг мавжудлиги ва улардан бештаси CH_3 , саккизтаси CH_2 ва еттитаси CH гуруҳига ва яна еттита тўртламчи углерод атомларига тегишли эканлиги ва бирикманинг тузилиши экдистероидлар синфига мансуб эканлигини кўрсатди. δ H 6.346 (CH-7) ва δ C 203.42 (C-6), 165.822

(C-8), 83.68 (C-14) ва 34.131 (C-9) олефинли резонанслар C-6 да α , β -тўйинмаган C=O гуруҳи мавжудлигини ва бирикмани экдистероидлар синфига мансублигини узил кесил тасдиқлади.

Кучсиз майдон (δ_c 68.843, 68.843, 83.68, 80.891, ва 68.843) да кузатилган резонанс сигналлар COSY маълумотларига кўра C-2, C-3, C-14, C-22 ва C-25 ларнинг оксидланганлигини тасдиқлайди. Келтирилган тузилишни аниқловчи ўзига хос хусусиятлар бирикма **4** молекуласининг скелети 20-гидроксиэкдизонга (**6**) га ўхшашлигини кўрсатди. ЯМР-спектри орқали тўлиқ таҳлил қилинганда эса, бирикма **4** нинг тузилиши 20Е тузилиши билан таққосланганда 2-,3- ва 22-ҳолатлари бўйича фарқланиши кузатилди.

Бирикма **4** нинг ^1H ЯМР-спектри δ_H 6.346 (1H, H-7) да олефин протон сигналини ва δ_H 1.065 (3H, s, CH₃-18), 0.942 (3H, s, (3H, s, CH₃-26), 1.211 (3H, s, CH₃-27), 1.926 (3H, s, 2-CH₃CO) ва 1.895 (3H, s, 3-CH₃CO) да еттита метил сигналлари мавжудлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, бирикма **4** нинг ^1H ЯМР спектрларини таҳлил қилинганда H-2 ва H-3 сигналлари (20-гидроксиэкдизонга нисбатан солиштирган ҳолда) ($\Delta\sigma$ 1.55 ва 1.56) кучсиз майдон томонга силжиган (δ 5.656 ва 5.678) ва δ_H 1.926 ва 1.895 да икки янги метил синглет сигнали мавжудлиги аниқланган.



3-расм. 2,3-Диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон (4), 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон (5) ва 20-гидроксиэкдизонларнинг тузилиши (6).

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ЯМР-спектр маълумотларига асосланиб, бирикма **4** ни янги тузилишидаги 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон (3-расм) эканлиги исботланди.

Silene guntensis, S. viridiflora ва S. wallichiana ўсимликларининг хлороформли экстрактларини кимёвий таркиби

Silene guntensis, S. viridiflora ва *S. wallichiana* ўсимликларининг ер устки қисмини комплекс ўрганиш учун уларнинг липидларини тадқиқ қилинди. Липидлар ўсимликни экстракция қилиш жараёнида хлороформли экстракт таркибига ўтади. *S. viridiflora, S. guntensis* ва *S. wallichiana*

ўсимликларини хлороформли экстрактлари таркибидан нейтрал липидлар (НЛ) ажратиб олинди (3-жадвал).

S. guntensis ўсимлигининг хлорформли экстракти таркибидаги нейтрал липидлари ёғ кислоталари метил эфир кўринишида ГСХ ёрдамида таҳлил қилинди. Триацилглицеридга (ТАГ) нисбатан эркин ёғ кислоталари (ЭЁК) фракцияларида юқори миқдорда тўйинган ёғ кислоталар, ТАГ га нисбатан тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори юқори эканлиги аниқланди. Тўйинган ёғ кислоталари ичида асосий мажор бирикма пальмитин (16:0) кислотаси ҳисобланади. Бундан ташқари, ёғ кислоталари эфирлари фракциясида маълум миқдорда тетракозан (24:0) ва гексакозан (26:0) кислоталари (умумий 21.3%), ЭЁК да эса гексакозан 26:0 кислота (10.3%) лари аниқланди. Ушбу ёғ кислоталари ичида доминант тўйинмаган олеин (18:1), линол (18:2) ва линолен (18:3) кислоталар эканлиги аниқланди.

3-жадвал

S. guntensis, *S. viridiflora* ва *S. wallichiana* ўсимликларининг ёғ кислоталарининг таркиби (ГСХ %)


Кислота	<i>S.guntensis</i>			<i>S. viridiflora</i>	<i>S. wallichiana</i>
	ЁКМЭ	ТАГ	МЁК	МЁК	МЁК
Каприн 10:0	0.2	0.8	0.3	0.2	0.1
Лаурин 12:0	0.4	1.3	1.2	0.3	0.6
Миристин 14:0	1.5	4.6	1.8	0.4	1.1
Пентадекан 15:0	0.5	Сл.	1.2	0.3	0.5
Пальмитин 16:0	17.4	19.4	26.5	24.7	26.6
Пальмитолеин 16:1	0.5	1.3	1.3	1.8	2.2
Маргарин 17:0	0.4	1.6	0.4	-	-
Стеарин 18:0	2.9	3.4	3.1	2.3	2.4
Олеин 18:1	9.1	18.2	8.3	5.4	8.3
Линол 18:2	16.1	24.1	11.1	18.8	22.5
Линолен 18:3	-	20.6	19.0	32.8	15.5
Паулин 20:0	-	1.3	0.3	1.2	0.8
Генэйкозан 21:0	-	-	1.6	1.5	1.9
Беген 22:0	-	3.4	4.9	3.8	5.4
Трикозан 23:0		-	2.2	3.1	4.5
Тетракозан 24:0	-	Сл	5.1	3.4	7.6
Пентакозан 25:0	-	-	1.4	-	-
Гексакозан 26:0	-	-	10.3	-	-
Σ _{тўйинган}		35.8	60.3	41.2	51.5
Σ _{тўйинмаган.}		64.2	39.7	58.8	48.5

S. viridiflora ва *S. wallichiana* ўсимликларини хлороформли экстрактидан ажратилган нейтрал липидлар (НЛ) таркиби асосан ёғ


кислоталардан ташкил топган. *Silene* туркуми ўсимликлари ер устки қисми НЛ лари таркиби 15 хил ёғ кислоталаридан иборат экан. Асосий мажор кислоталар таркиби тўйинган пальмитин кислотасидан (16:0), тўйинмаганларидан эса – иккита эссенциал ω-6 (18:2) ва ω-3 (18:3) ёғ кислоталаридан ташкил топганлиги билан тасдиқланди. *S. wallichiana* ўсимликлари нейтрал липидлари орасида пальмитин кислотаси доминат ва *S. viridiflora* ўсимлиги таркибида линол ва линолен кислоталари миқдори юқори эканлиги аниқланди.

Silene wallichiana ўсимлиги таркибидаги 20-гидроксиэкдизон
миқдорини ЮСЮҚХ услуби ёрдамида аниқлаш

Юқори самарали юпка қатлам хроматографияси (ЮСЮҚХ) ёрдамида *S. wallichiana* ўсимлиги метанолли экстракти таркибида 20-гидроксиэкдизон (20E) миқдорини аниқлаш учун таклиф этилган усул International Conference on Harmonization қоидаларига мувофиқ келади. Толуол, тетрагидрофуран (ТГФ), метанол, учфторор сирка кислотаси (УФСК), пропанол, ацетон, этилацетат, дихлорметан ва сув ҳар хил нисбатларда олиниб мобил фаза танланди ва бунда тажриба учун энг мақбули ТГФ : Толуол : МеОНдаги 1мМ УФСК : сув = 16:8:2:1 система сифатида танлаб олинди.



4-расм. 20-Гидроксиэкдизон нинг ЮСЮҚХ денситограммаси ($R_f=0.43$)



5-расм. *S. wallichiana* ўсимлигининг метанолли экстрактининг ЮСЮҚХ денситограммаси (1-20-гидроксиэкдизон)

20Е миқдорини ($R_f = 0.43 \pm 0.03$) аниқлашнинг қулай, аниқ, ва юқори самарали услуби ишлаб чиқилди (4- ва 5-расмлар). Camag дастури ёрдамида 249 нм тўлқин узунлигида спектроденсиметрик скан-интеграцияси бажарилди.

ЮСЮҚХ таҳлил натижалари *S. wallichiana* ўсимлигини таркибидаги 20-гидроэксдизоннинг миқдори қуруқ ўсимлик хом ашёсига нисбатан 131.6 мкг/мг эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «*Silene viridiflora*, *S. guntensis* ва *S. wallichiana* ўсимликларидан ажратиб олинган экстракт ва индивидуал бирикмаларнинг биологик фаолликлари» деб номланган учинчи бобида амалга оширилган ишларнинг натижалари муҳокама қилинади.

S. viridiflora, *S. guntensis* ва *S. wallichiana* ўсимликларидан ажратиб олинган экстрактлар ва индивидуал бирикмаларнинг антиоксидант, цитотоксик, микробларга қарши ва иммуномодуловчи фаоллиги ўрганилди (4 -жадвал).

4-жадвал

Silene viridiflora ўсимлигидан олинган экдистероидлар йиғиндисининг иммунитет ҳолатига таъсири

Тажриба шароити	Талокдаги АҲҚҲ Миқдори		Талокдаги 1 млн ядро сақловчи хужайралардаги АҲҚҲ миқдори			
	M ± m	ИС	M ± m	ИС		
Интакт хайвонлар	4656 ± 358	-	36.9 ± 3.2	-		
Назорат (стресс)	887 ± 66*	- 5.2	10.6 ± 0.8*	-3.5		
Стресс + ЭЙ	2768 ± 269 ***	+ 3.1	25.2 ± 2,5 ***	+2.4		
Стресс + Т-активин	2575 ± 194*	+2.9	23.3±1.9***	+2.2		
Тажриба шароити	Тимус хужайралари × 10 ⁶		Суяк илиги × 10 ⁶		ТЯСҲ ×10 ⁶	
	M ± m	СИ	M ± m	СИ	M ± m	СИ
Интакт хайвонлар	33,0 ± 1,7	-	9,2 ±0,5	-	127.0 ± 5.1	-
Назорат (стресс)	19,4±1,0*	-1,7	6,0 ±0,4*	-1,5	84.3 ± 3.0*	-1,5
Стресс + ЭЙ	28,9±1,9**	+1,5	7,3±0,4***	+1,2	111.0±4,4***	+1,3
Стресс + Т-активин	26.2±1,3***	+1,3	7,4±0,5***	1,2	111.1±3.9***	+1,3

Изох: АХҚХ – антитана ҳосил қилувчи хужайралар, ТЯСХ – талокдаги ядро сақловчи хужайралар, ИС –индекс стимуляцияси, *- интакт хайвонлардаги нисбатан аниқлиги, ** - назоратга нисбатан аниқлиги

S. viridiflora ўсимлигидан олинган экистероидлар йиғиндиси иммунотроп таъсирини маълум бўлган иммуномодуловчи восита Т-активин билан таққосланган.

Текширилган тажрибаларда *S. viridiflora* ўсимлигининг экистероидлар йиғиндиси, тимусга боғлиқ – кўй эритроцити (КЭ) билан иммунизацияланган сичқонларга юборилганда уларнинг организмида иммун реакцияларини сезиларли даражада рағбатлантириши Т-активинга нисбатан юқори кўрсаткичга эга эканлигини кўрсатган. Сичқонлар нурлангандан кейин, шунингдек ўткир сурункали гепатитда ва узоқ муддатли жисмоний толиқиш жараёнидан сўнг антиген юборилганда унда антитана ишлаб чиқариш кескин камайганлиги аниқланган.

S. viridiflora ўсимлиги ер устки қисми ажратиб олинган интегристерон А, 2-дезоксизекдизон, 2-дезоксиз-20-гидроксиэкидизон, 20-гидроксиэкидизон ва 26-гидроксиполиподин В каби мажор бўлган экистероидлар ва метанол экстрактининг РЗХ миелома хужайраларига нисбатан цитотоксик фаолликлари текширилди. Цитотоксик фаоллик МТТ [3-(4,5-диметилтиазол-2-ил)-2,5-дифенилтетразол бромид] тести ёрдамида аниқланди. МТТ тажрибаларида метанол экстрактнинг 20 мг/мл концентрациялари РЗХ миелома хужайраларига нисбатан (тирик қолган хужайралар 60% ни ташкил этган) юқори цитотоксик фаоллик кўрсатди.

2-Дезоксизекдизон, 20-гидроксиэкидизон ва 26-гидроксиполиподин В фитоэкистероидлари РЗХ миелома хужайраларига нисбатан паст фаоллик намоён қилди, ушб экистероидларга нисбатан интегристерон ҳамда 2-дезоксиз-20-гидроксиэкидизон бирикмаларининг 4мг/мл концентрацияси юқори фаолик (75,4 ва 73,3%) кўрсатди.

5-жадвал

***S. guntensis* экстракти ва экистероидларининг HeLa, HepG-2 ва MCF-7 рак хужайраларига нисбатан цитотоксик фаолликлари**

Намуна	IC ₅₀		
	HeLa	HepG-2	MCF-7
2,3-Диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкидизон (1) [мкМ]	127.97 ± 11.34	106.76 ± 7.81	203.10 ± 19.56
2-Дезоксиз-20-гидроксиэкидизон (2) [мкМ]	174.88 ± 19.10	195.61 ± 17.26	126.54 ± 12.09
20-Гидроксиэкидизон (3) [мкМ]	175.02 ± 16.34	130.26 ± 12.87	168.33 ± 25.30
Хлороформ экстракт [мкг/мл]	26.58 ± 1.88	20.99 ± 1.64	18.89 ± 2.36
Метанол экстракт [мкг/мл]	65.81 ± 2.78	64.59 ± 3.98	83.86 ± 8.04
н-Бутанол экстракт [мкг/мл]	84.08 ± 3.30	83.21 ± 7.12	80.83 ± 0.88
Сувли экстракт [мкг/мл]	106.70 ± 0.84	80.47 ± 7.92	70.97 ± 5.00
Доксорубицин [мкМ] (ижобий назорат)	1.84 ± 0.19	0.67 ± 0.07	0.48 ± 0.04
Доксорубицин [мкг/мл]	1.07 ± 0.11	0.39 ± 0.04	0.28 ± 0.02

Намуналарнинг *in vitro* шароитида цитотоксик фаолликлари МТТ синовларида HeLa (бачадон бўйни саратони), HepG2 (гепатоцеллюляр карцинома) ва MCF-7 (кўкрак беши саратони) хужайраларига қарши текширилди (5-жадвал).

S. guntensis ўсимлиги ер устки қисмидан ажратиб олинган 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон (1), 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон (2), 20-гидроксиэкдизон (3) экдистероидларнинг ва хлороформли, метанолли, бутанолли, сувли экстрактларнинг HeLa, HepG-2 ва MCF-7 хужайраларига нисбатан цитотоксик фаолликлари аниқланди.

Цитотоксик фаолликни таққослашда назорат сифатида доксорубицин билан солиштирилди. Экстрактлар ва индивидуал экдистероидлар нисбатан таққослаб текширилган рақ хужайраларига нисбатан индивидуал бирикмалар анча кучсиз фаоллик кўрсатган.

Silene viridiflora, *S. guntensis* ва *S. wallichiana* ўсимликларининг хлороформ экстрактлари *in vitro* шароитида микробларга қарши фаоллик грам-мусбат ва грам-манфий бактерияларга қарши ўрганилди

S. viridiflora нинг хлороформли экстракти *Micrococcus luteus*, *Proteus rettgeri* NCIMB9570, *Klebsiella pneumoniae* 40602 ва *Pseudomonas aureginosa* NCTC6749 микробларига қарши сезгирлик намоён қилган.

S. guntensis нинг хлороформли экстрактига нисбатан *Escherichia coli* NCTC9001, *Pseudomonas aureginosa* NCTC6749, *Acinetobacter* sp T16 бактерияларга қарши сезгирлик намоён этган бўлса, *Staphylococcus aureus* MRSA16, *Micrococcus luteus* ва *Staphylococcus saprophyticus* T415 штаммлари резистентлик кўрсатган.

S. wallichiana хлороформли экстракти эса *Micrococcus luteus* ва *Pseudomonas aureginosa* NCTC6749 ларга нисбатан фаоллик кўрсатган.

In vitro шароитида *S. guntensis* ўсимлиги ер устки қисмидан ажратиб олинган 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон (1), 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон (2), 20-гидроксиэкдизон (3) экдистероидларнинг ва хлороформли, метанолли, бутанолли, сувли экстрактларнинг антиоксидант фаолликлари 2,2-дифенил-1-пикрилгидразил (DPPH) радикаллари фаолсизлантириш қобилятига кўра аниқланди

6-жадвал

***Silene guntensis* экстрактлари ва индивидуал экдистероидларининг антиоксидант фаолликлари (DPPH* тест)**

Намуна	IC ₅₀ (мкг/мл)
2,3-Диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон (4)	291.38 ± 25.31
2-Дезокси-20- гидроксиэкдизон (5)	157.29 ± 16.72
20- Гидроксиэкдизон (6)	144.75 ± 11.53
Хлороформли экстракт	148.28 ± 13.82
Метанолли экстракт	122.48 ± 11.09
n-Бутанолли экстракт	69.12 ± 5.85
Сувли экстракт	68.90 ± 6.45
Кверцетин (назорат)	3.37 ± 0.77

ДРРН* тестида антиоксидант фаолликлар намуналар кверцетинга нисбатан текширилди (6-жадвал).

S. guntensis экстрактлари концентрацияга боғлиқ ҳолда антиоксидант фаоллик кўрсатган. Текширилган намуналар ичида сувли экстракт энг юқори антиоксидант фаолликка ($IC_{50} = 68.90$ мкг/мл) эга бўлган. *n*-Бутанол, метанол ва хлороформ экстрактлари фаолликлари тегишлича IC_{50} 69.12, 122.48 ва 148.28 мкг/мл қийматларини намоён қилган.

Диссертациянинг «*Silene* туркуми ўсимликлари таркибидаги биологик фаол моддаларини ажратиб олиш» деб номланган тўртинчи бобида ўсимлик объектларидан биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш усуллари; КХ, ЮҚХ ёрдамида аралашмадан индивидуал кўринишдаги моддаларни ажратиб олиш; тузилиши тасдиқланган индивидуал бирикмалар (20,22-моноацетонид-25-ацетат-20-гидроксиэкдизон, 2-дезоксиполиподин В 3-О- β -D-гликозид, таксистерон, 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон, 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон) нинг физик-кимёвий хоссалари ва тузилишларини тасдиқловчи спектрал (ИК-, 1H - ва ^{13}C - ЯМР, ЮССХ, LC-MS масс-спектроскопия) маълумотлари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. *Silene viridiflora* ер устки қисми таркибидан 20,22-моноацетонид-25-ацетат-20-гидроксиэкдизон, 2-дезоксиполиподин В 3-О- β -D-глюкозид, таксистерон, *Silene guntensis* ўсимлигидан эса 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизон, 2-дезоксид-20-гидроксиэкдизон, 20-гидроксиэкдизонлар ажратиб олинди. Шулардан, 20,22-моноацетонид-25-ацетат-20-гидроксиэкдизон ва 2,3-диацетат-22-О-бензоат-20-гидроксиэкдизонлар экдистероидларнинг кимёвий тузилиши жиҳатдан янги моддалар ҳисобланади.

2. *S. viridiflora* ўсимлиги эфир мойи таркибида 75 та бирикма бўлиб, шулардан асосий мажор бирикмаларни метилпальмитат (8.05%), 3-гексен-1-ол (7.54%), 3-гексенилбензоат (3.86%), β -мирцен (3.80%), 1,1-диэтокси-2-фенилэтан (3.65%), гексагидрофарнезил ацетон (3.20%), 1,1-диметоксинонан (2.91%), линалоол (2.61%), 4-терпинеол (2.47%), п-цимен (2.41%), бензил спирти (1.72%), 1-гексанол (1.52%), метилмиристат (1.45%), α -камфоленал (1.31%) ва β -фарнезин (1.27%) лар ташкил этади.

3. *S. guntensis*, *S. viridiflora* ва *S. wallichiana* лардан ажратилган ёғ кислоталарининг кимёвий таркиби тўйинган пальмитин, тўйинмаган линол ва линолен кислоталаридан ташкил топган. Ёғ кислоталари эфирлари фракциясида 21.3% миқдорда тетракозан 24:0 ва гексакозан 26:0 кислоталарини ҳамда 10.3% эркин ёғ кислотаси гексакозан 26:0 сақлайди.

4. *S. viridiflora* ўсимлигидан ажратиб олинган экдистероидлар йиғиндиси *in vivo* шароитда иммун статусига ижобий таъсир этади ва бу кўрсаткич бўйича экдистероидлар Т-активин билан деярли бир хил имкониятга эга. Бу талокдаги антитана ҳосил қилувчи ва ядро сақловчи

хужайралар сонини ошиши билан изоҳланади.

5. *S. viridiflora* нинг метанолли экстракти индивидуал бирикмаларга нисбатан P3X миелома хужайраларига, *S. guntensis* нинг хлороформли экстракти эса MCF-7 (кўкрак беи саратони) хужайраларига нисбатан юқори цитотоксик фаоллик намоён қилади.

6. *S. viridiflora* ва *S. wallichiana* нинг хлороформли экстрактлари микробларга қарши, *S. guntensis*нинг сувли экстракт эса юқори антиоксидант фаолликка ($IC_{50} = 68.90$ мкг/мл) эга эканлиги билан ажралиб туради.

7. *S. wallichiana* мисолида ЮСЮҚХ ёрдамида маркер бирикма бўлган 20-гидроксиэкдизоннинг миқдорини аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Услубни аниқлик даражаси 98% бўлиб, ушбу услубдан таркибида 20-гидроксиэкдизон сақловчи барча ўсимликлар таркибини миқдорий таҳлил қилиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. К. 05.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ЖАНИБЕКОВ АБДУЛЬАЗИЗ АДИЛХАНОВИЧ

ХИМИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ РАСТЕНИЙ РОДА *SILENE*

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/K132

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ имени акад. С.Ю.Юнусов АН РУз

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель

Мамадалиева Нилуфар Зокиржоновна
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты

Арипова Салимахон Фозиловна
доктор химических наук, профессор
Маулянов Салихжан Алимжанович кандидат
химических наук, доцент

Ведущая организация

Ташкенский Фармацевтический Институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.05.01 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г.Фергана, ул. Муррабийлар, 19, Тел. (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № ____). (Адрес: 150100, г.Фергана, ул. Муррабийлар, 19, Тел. (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91, e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки ___ от _____ 2018 года).

В.У. Хужаев

Председатель Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

М. Нишонов

Ученый секретарь Научного Совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

И.А. Абдуғафуров

Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в мире в связи с увеличением болезней, представляющих собой угрозу для здоровья человека, из года в год возрастает потребность в лекарственных препаратах, полученных на основе растительного сырья. Из-за недостаточности или нехватки безвредных натуральных препаратов, предотвращающих ослабление иммунной системы человека, возникающее вследствие рака, гепатита, радиационных излучений и различных заразных бактериологических заболеваний, требуется разработка новых видов модифицированных препаратов на основе местного растительного сырья. Поэтому выявление местных растений, обладающих стимулирующим воздействием на иммунную систему, обоснование их химического состава и внедрение в производство имеет важное научно-практическое значение.

Во всем мире современная фармацевтическая промышленность уделяет большое внимание лечению болезней, возникающих вследствие ослабления иммунной системы, с помощью препаратов, разработанных на основе растительного сырья, содержащего новые биологически активные вещества. Поэтому в последние время на основе терпеноидов, витаминов, ненасыщенных жирных кислот и экдистероидов разработаны комплексные препараты, стимулирующие иммунную систему. Особенно важными считаются представители рода *Silene*, в составе которых содержится более 130 экдистероидов и их производных, в связи с этим актуальное научно-практическое значение имеет определение состава новых экдистероидов и их количества, исходя из местных почвенно-климатических условий, оценка их значимости в лечении различных заболеваний иммунной системы и внедрение в фармацевтическое производство.

В настоящее время в республике особое внимание уделяется выделению биологически активных веществ и созданию импортозамещающих природных лекарственных средств на основе местного растительного сырья. На основе экдистероидов созданы и внедрены в производство лекарственные препараты «Экдистен», «Аюстан», биологически активные добавки «Жистенин», «Эксумид». В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ отмечены задачи, направленные на «дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, обеспечение населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами». В этой связи обоснование химического состава растений, принадлежащих роду *Silene*, и производных экдистероидов, обладающих новыми структурами, определение их биологической активности и внедрение в фармацевтическое производство приобретают большое научно-практическое значение и являются актуальными.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана”. - <http://lex.uz/docs/3107036?twolang=true>

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Указами Президента Республики Узбекистан УП-5032 от 3 мая 2017 года «О создании свободных экономических зон «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бустонлик-фарм» и «Паркент-фарм»»; УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» и Постановлением ПП-2911 от 20 апреля 2017 года «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности республики», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

